

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:



ИЖТИМОЙ ИНШООТЛАР ҲОКИМЛИК НАЗОРАТИДА

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Бейсен Тажибаев Байдибек туманига иш сафари билан бориб, ижтимоий иншоотларни оралади. Сўнг шахсий қабул ўтказиб, фуқароларнинг таклиф ва муурожаатларини тинглади. Туман ҳокими Ерлан Нурмаханов қурилиш иншоотлари билан таништириб, амалга оширилган тадбирлар борасида ҳисобот берди.

Дастлаб, Алғабас қишлоғидаги “Қапшағай” сув омборида олиб борилаётган реконструкция ишлари билан танишди. Вилоят ҳокими ўринбосари шу қишлоқдаги “Майбулақ” умумий ўрта мактабининг ташиқи пардозлаш ишлари, мажлислар зали ва қатор синф хоналарини таъмирлашни режага киритишни мутасадди бошқарма ва бўлимга топширди.

Таъмирлаш ишлари олиб борилаётган “Айсана” болалар боғчасида ҳоким ўринбосари ишни сифатли ва муддатида таомиллашни топширди.

И. Алтинсарин номидаги асосий ўрта мактабда 7та синф хонаси мавжуд. Синфлар сигимлиги кўнгилдагидек эмас. Мутасадди туман ва вилоят бошқармасига янги типдаги мактаб қурилишини режага

САЙЁҲЛИК МАРКАЗИГА АЙЛАНАЁТГАН ТУРКИСТОН



Вилоятимиз бир кунлик ташриф буюрувчи сайёҳлар бўйича республикада кучли учликка кирди. 2022 йилги статистика маълумотларига кўра, мамлакат ичида энг кўп саёҳат қиладиган минтақа сифатида Туркистон вилояти қарвонбошилиқ қилиб, Алматы вилояти ва Астана шаҳрини ортда қолдирди.

Бу TIF'2023 – “Туркистон: Сайёҳлик. Сармоя. Иқтисодиёт” халқаро анжумани доирасида ўтган соҳавий сессияда маълум қилинди.

Унда вилоят ҳокимининг ўринбосари Бейсен Тажибаев минтақанинг алоҳида жиҳатларига тўхталиб, режалар билан ўртоқлашди.

– 2021 йили Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг VIII норасмий саммитида томонлар Туркистон шаҳрини

туркий оламнинг маънавий пойтахти, деб аташ тўғрисидаги декларацияни имзолашди. Жорий йилда эса Туркий тилли давлатлар ташкилоти қарорига кўра, Туркистон шаҳри – 2024 йили Туркий оламнинг сайёҳлик пойтахти, деб эълон қилинди. Шу каби қарор ва тадбирлар Туркистоннинг раванқига ижобий таъсир кўрсатмоқда, – деди Бейсен Даулетули.

САЙЁР КЎРГАЗМА

Туркистон вилояти ташкил этилганининг 5 йиллиги муносабати билан вилоят Маданият ва туризм бошқармаси ташаббускорлигида Алматы вилояти, Қарасай тумани, Шамалған

овулидаги “Атамекен” тарихий-маданий марказида Маънавият – Абу Наср Ал-Фаробий музейининг “Туркистон ўлкасининг буюқ шахслари ва мероси” кўргазмаси ўтди.

СУТ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖЛАНАДИ



Туркистон шаҳрида “Ақ Айтун” Қозоғистон сут индустриясининг I Халқаро анжумани ўтди.

Унинг бош ҳамкори – “Clever Mashines” компанияси. Тадбир майдонига Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Германия, Франция, Беларус, Россия, Марказий Осиё ва Кавказ давлатлари сут бозорининг етакчи таҳлилчилари тўпланишди. Анжуманнинг пленар сессиясида Сут бозорини таҳлил қилиш маркази директори Михаил Мищенко модераторлик қилиб, дастур билан таништирди ва статистика маълумотлари билан ўртоқлашди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ермек Кенжеханули Халқаро анжуман меҳмонларига миннатдорчилик билдириб, дунё аҳолисининг ошиб бораётгани, сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига йилдан-йилга талаб кучайиб бораётганини

ДАВЛАТДАН ЁРДАМ ПУЛИНИ ОЛУВЧИЛАР КАМАЙДИ

Минтақада жорий йили 109, 7 минг иш ўрини очиш бўйича вилоят раҳбарининг ташаббуси билан “Минтақавий бандлик харитаси” ишлаб чиқилди.

Улардан, 72,4 мингтаси доимий, 37,4 мингтаси вақтинча иш ўринлари. Жорий йил “Тадбиркорлиқни ривожлантиришга бағишланган миллий лойиҳа”ни амалга ошириш учун жами 109, 6 минг киши бандлик тадбирларига йўлланади. Шу жумладан, 39,1 минг нафари доимий, 35,9 минг нафари субсидияланган мавсумий иш ўринлари билан таъминланди. Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди девон мажлисида ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириш зарурлиги, қишлоқ хўжалиги ҳамда тадбиркорлик соҳаларига асосий урғу берилиши лозимлигини таъкидлади.

Жорий йил 466 инфратузилмавий лойиҳани амалга ошириш чоғида 5 минг иш ўринини очиш кўзланган. Бугунги кундаги 411 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, жами 3 минг янги иш ўринлари очилди.

Жорий йил ҚР Президентининг сайловолди топшириги асосида 35 ёшга тўлмаган 594 фуқарога 2,5 фоизли 5 млн. тенгегача имтиёзли кредит ажратиш режаланди. Ушбу мақсадда 2,9 млрд. тенге маблағ кўзланган. Ушбу ва бошқа ишлар орқали жорий йил минтақада МИЁ олувчиларнинг сони ўтган йилга нисбатан 22 фоиз камайган.

САЙЛОВЧИЛАРИ БАХТЛИ ДЕПУТАТ

ДЕПУТАТ ЎТ ЎЧИРИШ БЕКАТИ УЧУН ЕР СОВҒА ҚИЛДИ

Жетисай тумани ҳокимининг Абай қишлоғи аҳолиси билан ҳисобот учрашувида туман маслаҳатининг депутати Жанарис Талипбеков Ералиев қишлоқ округининг Жағажай аҳоли манзилидан ўз тасарруфидаги 2,5 гектар ерни ўт ўчириш бекати қуриш учун бепул берди.

Ўт ўчириш ва қутқарув бекати фаолиятини бошласа, 30 одам доимий иш билан таъминланади. Ж. Ералиев, Абай ва Қизилқум қишлоқ округларига қарашли аҳоли манзилларида ёнғин ёки одамларнинг сувга чўкиш ҳолатлари рўй берган пайтда уларнинг ёрдами асқотарди. Саховатпеша депутат ўтган йили 28 сўтих ерини Жағажай аҳоли манзилида фелдшерлик-акушерлик пункти, 28 сўтих ерини спорт майдончаси ва яна 28 сўтих ерини хиббон барпо этишга тортиқ қилганди.



ОҚИНЛАР АЙТИШУВИ ЎТДИ

Ўрдабоши туманида истиқомат қилувчи истеъдодли оқин Карима Ўралованинг 50 йиллиги муносабати билан Темирландаги Маданият уйида оқинлар айтишуви ўтди.

Тадбирда туман ҳокими Азат Ўралбаев иштирок этиб, таниқли оқинни юбилеи билан табриқлаб, хурмат-эҳтиром кўрсатди.

Айтишувда Туркистон, Жамбил вилояти, Шимкент шаҳри ва ҳатто қўшни Ўзбекистон давлатидан келган оқин-шоирлар иштирок этди.

Саҳнада оқинлар Бекарис Шўйбеков, Нурлан Есенқулов, Анар Жаппарқулова ва бошқалар маҳоратларини намойиш этишди. Кеча сўнггида туман раҳбарлари оқинларни тақдирлашди.

ТАЛАБАЛАР СОВРИНДОР БЎЛИШДИ

Астана шаҳрида маҳоратни юксалтирувчи VIII “WorldSkills Kazakhstan-2023” республика чемпионати ўтди.

Танловда давлатимизнинг ҳар минтақасидан 22 ёшгача бўлган 500дан зиёд талаба ва кучли таҳлилчилар иштирок этди. Улар 29 йўналиш бўйича омадларини синашди. 4 кун давом этган мусобақа натижаларига кўра, Туркистон вилояти талабалари 2 олтин, 3 кумуш, 1 бронза ва 9та ўзгача медальонларга эга бўлишди.

Чунончи, “Бошланғич таълим” йўналиши бўйича Туркистон кўп соҳали олий ҳунар коллежи талабаси Жексенбек Балнур, “Плитка ёпиштириш” бўйича Анвар Исмоилов номидаги касбий коллеж талабаси Бегзод Рўзакулов ғолиб бўлиб, 1-ўринни эгаллашди. “Мобилли робототехника” йўналиши бўйича “Туркистон Аҳмад Яссавий” коллеж талабалари Сейдулла Нур ва Турсинхан Қанат, “Бўяш ва безаш” йўналишида Кентов кўпсоҳали коллежи талабаси Тавелина Ҳожибоева ҳамда “Электроника” беллашувида Қозоқ-немис поли-

5 МИНГДАН ЗИЁД КЎЧАТ ЎТҚАЗИЛДИ

Давлат раҳбарининг Қозоғистон халқига Мактубида вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланган 5 йилда 15 миллион дарахт ўтқазиш топшириғига мувофиқ, “Туркистон вилояти аҳоли манзилларини кўкаламзорлаштириш бўйича 2022-2025 йилларга мўлжалланган тадбирлар режаси”ни амалга ошириш мақсадида вилоят бошқармасига туман ҳокимликларида қарашли аҳоли манзилларини кўкаламзорлаштириш учун зарур кўчатлар билан таъминлаш вазифаси белгиланган эди.

Шу боис, Мақтаарал тумани ҳокими Бахит Асановнинг ташаббуси билан барча давлат хизматчилари ва бюджет корхоналари ходимлари шанбаликка чиқиб, йўл бўйлари ва аҳоли манзиллари ҳудудига 5400 туп кўчат экишди. Жами 500га яқин одам иштирок этган шанбаликда, асосан А-15, КХ-100 тош йўли ва К-18 канали бўйлаб қайрағоч кўчатлари ўтқазилди.

Таъкидлаш жоизки, туман раҳбари тегишли муассаса раҳбарларига топшириқ бериб, кўчатларнинг баравж ўсиши учун қулай шароит яратиш зарурлигини эслатди.

КУРАШЧИ ҚИЗЛАРИМИЗНИНГ ҒАЛАБАСИ

Абай вилояти, Семей шаҳрида самбо ва жанговар самбодан Қозоғистон кубоғи мусобақаси ўтди. 23-27 ноябрь кунлари ўтган эркаклар ўртасидаги беллашувда Туркистон вилояти спортчилари 1та олтин, 2та кумуш ва 6та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобидан 3-ўринга сазовор бўлди.

Хотин-қизлар ўртасидаги мусобақа қизиқарли тортишувларга бой бўлди. Унда ҚРда хизмат кўрсатган мураббий Абдисадиқ Халилаевнинг шогирдлари муваффақиятга эришди. Курашдан Жадира Пайиз ва Нурилла Асан қизи олтин, Айман Ибрагимова ва Айнура Ақжигитовалар кумуш медални қўлга киритишди.

Полвон қизлар беллашувида Шахноза Абдуқодирова ва Улбўлсин Адилова бронза медали билан кифояланишди. Туркистон вилоятининг хотин-қизлар жамоаси 2тадан олтин, кумуш ва бронза медалига сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

>>> Обуначиларимиз орасида

ҚЎШҚЎРҒОНДАГИ МАКТАБДА

Тажрибали устоз Меҳринисо Иззатуллаева раҳбарлик қилаётган “Қўшқўрғон” умумтаълим мактабига шоир, жамоатчи обуначимиз Почтахон Бобожонов билан ташриф буюрдик. Ушбу ўқув даргоҳи директорининг ташаббуси билан 50, устоз Журъат Мирзахонов саъй-ҳаракатлари билан 40, жами 90 нусха “Жанубий Қозоғистон” газетасига обуна давом этмоқда.



Феолавлардан Йўлдош Қосимов ва Почтахон Бобожоновлар биргаликда яна 20 нусха газетага камарбаста эканлигини таъкидлаймиз. Директор М. Иззатуллаева ўтган ўқув йилида 330 нафар ўқувчига 53 ўқитувчи сифатли таълим-тарбия бераётган ўқув даргоҳи битирувчилари сони 23, ЯМТга қатнашганлар 15, шундан давлат гранти асосида олий ўқув юртларида таълим олаётганлар 8, тўловли ўқишда эса 2 нафар битирувчиларнинг асосий қисми олий таълим олаётганлигини баён этди. Сунбулхон Аҳмедова, Ҳасан Абдукаримов, Суръат Мирзахонов, Аъзам Ба-

санов, Гулнора Асетова ҳамда Бахтжан Бобожонов каби заҳматкаш устозларнинг муштарак меҳнатлари самараси бу. Мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, 36 йиллик иш тажрибага эга устоз Салимжон Жабборов эса мактабда ташкил этилган ота-оналарни педагогик қўллаш маркази ҳақида маълумот берди. Асосий мақсад – мактаб, ота-она ва ўқувчи саъй-ҳаракатлари муштараклиги, таълим-тарбияни бугунги талаб доирасида мустақамлаб, муаммоларни бартараф этиш. Яқинда ўтган дастлабки семинарда қишлоқ феолавлари

Йўлдош Қосимов, Почтахон Бобожонов, ота-оналар қўмитаси раиси Ақнур Байпақова, васийлар кенгаши раиси Шомирза Маждидов, оталар ва онахонлар кенгашлари раҳбарлари Ботир Абдураимов, Норхон Маждидовлар иштирокида таълим-тарбияни яхшилашга оид муштарак масалалар муҳокама қилинди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: директор М. Иззатуллаева ва шоир П. Бобожонов; ота-оналарни педагогик қўллаш марказидаги кенгаш йиғилиши аъзолари.

Муаллиф суратга олган.

>>> Обуначиларимиз орасида

Туркистон шаҳридаги Совет Иттифоқи қаҳрамони Талғат Бигелдинов номидаги умумтаълим мактабининг янги директори Нурбўл Амирханули қабулига обуна ишлари юзасидан Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси ўринбосари Замир Муҳаммаджонов билан ташриф буюрдик.



Тахририятнинг обунани ташкил этиш юзасидан мактубига жавобан директор Н. Амирханули раҳбар сифатида шахсий ҳомилийгида 10 нусха “Жанубий Қозоғистон” газетасига обунани расмийлаштирди. Икки йил муқаддам вилоят марказидаги Яссавий мақбараси қошидаги этноовулда “Жанубий Қозоғистон” газетасининг 30 йиллик юбилейи шарафига вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган байрам дасту-

МУШТАРИЙЛАРИМИЗ
САФИ КЕНГАЙДИ

рида суҳбатдошимиз Нурбўл Амирханулининг волидаи муҳтарамаси, вилоят онахонлар кенгаши раисаси Гулсара Тўққулова жажжи невараси Нурғалим Нурбўл ўғли билан вилоят ҳокимлиги раҳбарлари иштирокида миллий “Тушов кесди” маросимини юксак савияда

кўпчиликка намоиш этиб, жамоатчилиқнинг самимий олқишига сазовор бўлганлиги шонли тарих.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

“9-20-25”– КЕЛГУСИ ЙИЛДА
ИШГА ТУШИРИЛАДИ

“Бош вазир Алихан Смаилов мамлакатимизда яқин орада янги уй-жой дастури ишга туширилишини маълум қилди”, дея хабар беради Kazinform.

“Аҳоли томонидан “7-20-25” дастури”га талаб кучли. Бироқ, уни амалга ошириш учун маблағ зарур. Миллий банк ўз лимитини қўйган эди. У талаб жиҳатидан етарли эмас. Миллий банк бундай чеклов қўйгач, Ҳукумат доирасида, шунингдек, “Отбасы банк” ва “Бейтерек” холдинги билан ҳамкорликда қўшимча дастур тайёрляпмиз. У – “9-20-25” дастури”, деди А. Смаилов.

Унинг таъкидлашича, янги дастур бўйича 25 йилга 9 фоизли ипотека насия берилади. “Ҳозир 9 фоиз қуйи фоиз ҳисобланади. Уни амалга ошириш учун тегишли ҳисоб-китоб ишларини юритмоқдамиз. Унга йил сайин 150 млрд. тенге керак ва 8 минг оила ёки одамга ушбу ипотекани олиш имкони берилади. Унинг учун бозордан 100 млрд. тенге жалб қилшимиз даркор, “Отбасы банк” ўз даромадидан 50 млрд.



тенге ажратиши шарт. Шу маблағни қўшиб, 9 фоизли ставкага чиқиш зарур. Мазкур дастур асосан ёшларга мўлжалланган”, деди Ҳукумат раҳбари.

Бош вазир дастур келгуси йилда ишга туширилишини маълум қилди.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

>>> Ўзбек драма театри – 20 ёшда

ЮКСАК САВИЯДА
НИШОНЛАНГАН ЮБИЛЕЙ

Шимкент шаҳар ўзбек драма театрининг 20 йиллик тўйи юксак савияда нишонланди. Карнай-сурнай садолари остида кутиб олинган меҳмонларнинг саноғи йўқдек, гўё. Ҳамманинг кайфияти аъло. 20 йиллик тарихга эга театримиз шу давр ичида жуда кўплаб премьералар тақдим этди, ҳатто, жаҳон даражасидаги асарлар сахналаштирилди. Қатор санъат дарғалари бу ерда тер тўкди. Жонажон театримиз 20 йилни мардонавор, ёруғ юз билан босиб ўтди...



Тадбирда Шимкент шаҳри ҳокимининг ўринбосари Сарсен Қуранбек эзгу тилақларини тақдим этди:

– Ёзувчи Фаби Мусирепов “Театр – ёш гўзал қизнинг кўз ёшидек шаффоф санъат”, деган ибораси – аини ҳақиқат. Театрни бундан ортиқ эътироф этиш мушкул. Театр бор жойда миллат маънавий жиҳатдан камол топиб, руҳияти баланд парвоз қилади, анъаналар

ри артистларининг ўзбек халқ қўшиқларидан тайёрланган «Хуш келибсиз!» мусиқий композицияси томошабинларга ҳавола этилди.

Таъкидлаш жоизки, театрининг юбилей тўйига нафақат Шимкент шаҳри, балки, мамлакатимизнинг бошқа минтақалари, Ўзбекистондан ҳам театр артистлари, режиссёрлар, санъаткорлар ташриф буюришди. Улар сафида “Қозоғис-

ни айтиб, санъатини намоиш этишади. Саҳнага уларнинг манглай тери тўкилади. Шунинг учун ҳам, саҳна – муқаддас жой. Шу боис, бу – халқимизнинг тўйи, – деди халқ артисти.

Шундан сўнг, Жумат Шанин номидаги академик қозоқ драма театри артистлари ҳамкасбларига табригини саҳна асари орқали етказишди. Шимкент шаҳар сатира театри, шаҳар рус драма театри, қўғирчоқ театри, опера ва балет театри, Цирк жамоаси вакиллари ҳам дил сўзларини баён этишди.

Ўзбекистондан келган меҳмонлар номидан Ўзбекистон Давлат драма театри режиссёри Олимжон Салимов, ўзбек миллий академик драма театри актрисаси Саида Раметова театр жамоасини қўтлаб, эсдалик совғаларини топширишди.

Тадбирда давлат арбоби Рўзакул Холмуродов ҳам театр жамоасини қўтлаб, театрининг очилиш тарихини гапириб берди. Шу куни театрининг барча ходимлари турли даражадаги мукофотлар билан тақдирланди.

“Салтанат” тантаналар саройида давом этган тадбирда Қозоғистон ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамияти раиси И. Ҳошимжонов, давлат арбоби Ф. Қоратоев, “Жанубий Қозоғистон” газетаси бош муҳаррири Р. Алибоев, Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Т. Нишонбоевлар ҳам театр жамоасини самимий қўтладилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар – Доно Бобохонов, Мадина Тўхтаева, Муножот Тешабоевалар, актёр Умид Искандаров, Самарқанд вилоят драма театри ходимлари ва бошқалар актёрларнинг машаққатли фаолиятларига муваффақият тилашди.

Хуршид ҚЎҚОРОВ.

Туркистон вилоят “Фараб” кутубхонасида Халқаро “Алаш” мукофоти совриндори, “Қўрмет” ордени соҳибаси, оқин Баян Бекетованинг ижодига бағишланган “Оқ фаришта олашим” номли кеча ўтди.

ИЖОДИЙ
КЕЧА ЎТДИ

Тадбирда иштирок этувчилар, даставвал, кеча соҳибасининг ижод намуналаридан тузилган китоб кўргазмаси билан танишишди. Сўнг катта залда Баян Қадирбайқизи ҳақида видеолавҳа намоиш этилди. Адабий кеча “Оқ фаришта олашим” номли монолог билан бошланди. Мазмунли тадбирда Туркистон вилояти ҳокимининг ўринбосари Бейсен Тажибаев иштирокчиларни табриклади. Кечада Баян Бекетованинг ижод намуналарига басталанган қўшиқлар янгради, шеърлари ўқилди. “Қуш қанотидаги мактуб” бадий-муסיқали саҳна асари намоиш этилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ИСТЕЪДОДЛАР
САРАЛАНЯПТИ

Минтақадаги қаламкашлар ижоди билан китобхонларни яқиндан таништириш мақсадида вилоят ҳокимлиги, маданият ва сайёҳлик бошқармасининг кўмаги билан, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят филиали ва “Фараб” оммабоп кутубхонаси “Туркистон истеъдодлари” лойиҳасини уюштирганди. Лойиҳа бошланганидан юртимизга таниқли Қасимхан Бегманов, Сабирбек Улжабай, Баян Бекетова, Ўрдабоши, Сўзоқ, Саврон, Байдибек туманида Тумартай Динтайули, Гулнар Ўмирбек, Сая Қасимбек, Айдар Сейдазим, Биржан Байтуов, Алимжан Алишер сингари қаламкашлар кечаси ўтказилиб, китобхонлар эътиромига мушарраф бўлди. Тарбиявий аҳамиятга эга адабий-маданий лойиҳа Тулкибош туманида давом этди. Тулкибошлик Тўпанбай Мейирхан, ёш оқинлар Ақбўта Бейбитбек, Арайлим Мураталиева ва бошқалар билан учрашувлар ўтди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Обуначиларимиз орасида

ҚАҲРАМОН НОМИДАГИ МАКТАБДА

Туркистон шаҳридаги Совет Иттифоқи қаҳрамони Бауржан Мўмишули номидаги умумтаълим мактабга раҳбарлик қилаётган Базарқул Мирзакулов қабулига Ҳамза номли мактабнинг собиқ раҳбари, Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси Замир Муҳаммаджонов билан ташриф буюрдик.

Келаси ярим йилликка давлатимизнинг тинчлик-тотувлик ва бунёдкорлик сиёсатини она тилимизда 32 йилдан буён аҳолига етказаятган “Жанубий Қозоғистон” газетасига обунани директор Б. Мирзакулов, ўқитувчилар, хусусан, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Инобат Исмоилова билан бамаслаҳат ҳолда таҳририят орқали имтиёзли шартномани имзолади. Ўтган ўқув йилида мактабни жами 52 нафар битирувчи, хусусан, Улдана Арисбек қизи, Улдана Мухтарбек қизи “Олтин белги” ҳамда Ақмерей Нурлибек



қизи, Ақбўта Сабит қизи ҳамда Шаҳзода Бойқўзиевалар “Ўздік аттестат” билан тамомлаб, олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда. Директор айна пайтда кўп қаватли мактаб биноси томини таъмирлашга ҳужжатлар ҳозирлаётганлигини баён этди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: директор Б. Мирзакулов муаллима И. Исмоилова билан.

Муаллиф суратга олган.

»» Обуначиларимиз орасида

АЙТЕКЕ БИ НОМЛИ МАКТАБДА



Ўқув даргоҳи раҳбари Султан Қурақбаев (тасвирда) келаси ярим йиллик обунани муаллима Ҳидоят Бобохонова билан бамаслаҳат ҳолда кенгашиб, шартномани имзолади.

Ўтган ўқув йилида мактабни тамомлаган 30 нафар битирувчининг 15таси давлат гранти, 5таси тўловли, 1таси квота асосида, жами 21 битирувчилар олий ўқув юртларида ўқишни давом эттираётганлиги ажойиб кўрсаткич. Қолганлари ҳунари, тиббиёт коллежларида таълим олаётганлиги, битирувчиларнинг қайси ўқиш ёки ишда эканлиги маълумотлари мактаб маъмурияти назорати остида эканлиги ибратли фаолиятдан далолат.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Муаллиф суратга олган.

Балли, Диана!



йин, нолаларга бой товушга эга кўбизнинг айрим турлари халқ чолғулари оркестри таркибига киритилган. Ушбу чолғу асбоби ЮНЕСКО томонидан инсоният-

нинг номоддий мероси сифатида эътироф этилиб, унинг рўйхати-га киритилмоқда.

«Жанубий Қозоғистон» мухбири.

КЎЧАТ ЭКИБ, БОҒ ЯРАТ



Оқсувкент қишлоғидаги марказий истироҳат боғида Туркистон вилоят ижтимоий тараққиёт бошқармаси “Жамоат тотувлиги” муассасасининг Сайрам туман филиали ташаббуси билан кўчат экиш тадбири ўтди.

ХАБАРЛАНДЫРУ

Қазақстан Республикасының 1995 жылғы 5 қазандағы N 2486 «Өндірістік кооперативтер туралы» Заңының 4-тарауы, 7-тармағының 15-бабына сәйкес, «Мехнат 21 Аср» өндірістік кооперативі мүшелерінің кезектен тыс жалпы жиналысы 2023 жылғы 2 желтоқсанда, сағат 10-00де Сайрам ауданы, Қарамұрт ауылы Мәдениет үйінде өтеді.

«Мехнат 21 Аср» ОК мүшесі:
Айбек САИПНАЗАРОВ.

Табиатни асрашга даъват этувчи тадбирдан мақсад – экологик маданиятни шаклантириш, аҳолини атроф-муҳитни ифлослантIRMаслик ва тоза сақлашга йўналтириш эди.

Унда Сайрам тумани бош имом-хатиби Аристан Ўспанов, туман имом-хатиблари, жамоатчилик кенгаши раиси Мурат Есаилов, Оқсоқоллар кенгаши раиси Аманкелди Қабилбеков, туман маслаҳати депутаты Сихимбай Сағиндиқов, касбий модератор Сайёра Довонова ва зиёлилар иштирок этди.

– Динимизда уч хил амалнинг бекиёс савоби ҳақида айтилган. Булар – қудуқ қазиш, кўприк солиш, кўчат ўтқазиш. Табиатни қандай ҳимоя қилсангиз, у сизга ҳудуд шундай жавоб беради”.

Ота-боболар эккан чинорни неваралар парвариш қилади. Экилган кўчатлар гуриқраб, келажак авлодга наф бериши шубҳасиз, – дея А. Ўспанов туманда кўчат экиш ишлари бардавом бўлишига ишонч билдирди.

З. АҲМАДЖОНОВ.

Миллий қўшиқчилик санъатининг бебаҳо хазинасидан баҳраманд бўлиб вояга етган ва авлодларига, қолаверса, миллатининг буюк намоёндалари ижодидаги таниқли асарларига куй басталаб, уни халқимиз ардоқлайдиган, севиб тинглайдиган қўшиқлари сафига киритган, маънавиятимизнинг устунлари сифатида халқимиз хотирасига муҳрлаган атоқли ва машҳур санъаткор, Ўзбекистон халқ ҳофизи Неъматжон Қулабдуллаевнинг қўшиқлари санъат ихлосмандларининг қалб қўридан жой олган дурдоналардандир. Санъатда жозибали овоз соҳибининг ўзига хос ўрни, ўчмас изи қўшиқларида асрлар бўйи яшайди, шогирдлари ижодида санъатсеварлар қалбларига ҳузур ва ҳаловат, қувонч ва саодат ҳиссини тақдим этиши, шубҳасиз.

Шимкентдаги Қозоғистон Халқи Ассамблеясида санъат дарғасининг муносиб издоши, санъаткорлар сулоласининг етук давомчилари, таниқли хонандалар – Ғайбулла ва Хайрулла Қулабдуллаевлар ва Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Тоҳир Нишонбоев ҳамда бирлашма қошидаги санъаткорлар уюшмаси раиси Рўзимат Норимбоев ташаббуси билан марҳум санъаткор

денгиз флотиди хизмат қилди. Йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, Тошкент Давлат консерваториясида таҳсил олди. Иқтидорли санъаткор VI–жаҳон ёшлар фестивалининг лауреати бўлди. 1976 йили Ўзбекистон Давлат филармониясида етакчи хонанда,1986-1990 йилларда маданий оқартув техникумида катта ўқитувчи сифатида талабаларга сабоқ берди. Меҳнати муносиб тақдирланди – Ўзбе-

десак ўринли бўларди. Отамизни хотирлашга бағишланган хайрия концерти-миз сиз, азиз мухлисларга мунтазир. Бу борада бизга елкадош бўлаётган Рўзимат ва Муроджон Норимбоевлар, ўғлим Давлат Қулабдуллаев ҳамда барча санъаткорлардан миннатдорман.

Шимкент шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси қошидаги санъаткорлар уюшмаси раиси Р. Норимбоев:



Неъматжон Қулабдуллаевнинг хотира кечаси ҳамда Хайрулла Қулабдуллаев таваллудининг 60 йиллигига бағишланган “Хотира – муқаддас, хотира – абадий” тарона кечаси – санъат байрами ихлосмандлар эътиборига ҳавола қилинади.

Атоқли санъаткор Неъматжон Қулабдуллаевнинг дўторда ижро этган миллий тароналарини катта авлод вақиллари – ота-боболаримиз тинглаб, завқ-шавқ олишган. Машҳур хонандаларнинг соҳир овозда куйлаган қўшиқлари, ижро этган ғазалларию мухаммаслари бугунимиз эгаларига тақдим этилган бебаҳо маънавий мерос бўлиб қолди.

Суюкли шоиримиз Пўлат Мўмин қаламига мансуб “Индамади” шеърига басталанган ашуласини қиёматга етказиб ижро этган беназир санъаткор Н. Қулабдуллаевнинг ширали овози катта авлод вақилларининг айтишича, радиотўлқинларда деярли ҳар куни жаранлаган, ойнаи жаҳонда уюштирилган кўрсатувларда томошабинларга хушқайфият бағишлаган. Хонанда ўтган асрнинг 60-йилларида юксак эътибор қозонган санъаткорлардан бўлиб, барча қўшиқларини дутор чалиб, ижро этган. У мана шу халқчил қўшиғи билан халқига янада сеvimли бўлган, янада ардоқланган.

Ҳофиз 1930 йили Шимкент шаҳрининг Қўштеғирмон даҳасида Қулабдулла ота ва Дилабза ака хонадонда дунёга келди. 1937-1948 йилларда И. Сталин номли мактабни тамомлади. Санъатга бўлган иштиёқ ёш Неъматжонни Ўзбекистон пойтахтига етаклади. Ҳамза номидаги musiқа билим юртида таҳсил олди. 1951-1956 йилларда ҳарбий

кистон Республикасининг “Эл-юрт ҳурмати ” орденни унинг кўксини беъади, 100дан зиёд шогирдларга устозлик қилди.

– Отамизнинг ўзбек санъати ва миллий қўшиқчилиги ривожига қўшган ҳиссаси бекиёс. Меҳнатлари шогирдларининг ижоди ҳамда ўзи басталаган 300дан зиёд қўшиқларида мужассам, – дейди суҳбатда бастакорнинг фарзанди, хонанда Хайрулла Қулабдуллаев. – Унинг хотирасини ёдга олиш билан бирга, ҳамюртларимизга хотира концертини ҳадя қилишни ният қилдик. Шунингдек, ўзимнинг қўшиқларимни ҳам ихлосмандларга тақдим этиш ниятидаман. Санъатсеварлар қалбига оз бўлсада, шодлик ва нур олиб кира олсак, бахтиёрмиз. Падалири бузрукворимнинг шогирдлари, унинг ижодидан баҳраманд бўлган таниқли хонандалар – Ғ. Бойтоев, Р. Ғойипов, А. Йўлдошев, Ғ. Эрқулова акам Ғ. Қулабдуллаев, шогирдларим И. Фармонов, А. Усмонов ва бошқа таниқли ижодкорлар иштирокида катта концерт дастурини ҳамюртларимиз ҳукмига ҳавола қиламиз. Эътибор берган бўлсангиз, қўшиқчи, ижодкорлар хайрли ва савоб ишларда бош-қош бўлиб, кўпгина ташаббусларда фаол иштирок этишяпти. Бу борада ёшларни ҳам фаолликка чорлаб, эзгу тадбирлар қилганмиз. Кам таъминланган оилаларнинг қувончли кунларида, ногиронлар уйлари ва бошқа муассасаларда хайрия концертларини ўтказамиз ва бу тадбирга бошқа санъаткорларни ҳам жалб қиламиз. Таниқли меценат ва санъаткор Адхамбек Йўлдошевнинг саховатли ишларидан ўрнат олдик,

– Бирлашма қошида кўп-лаб тадбирлар ўтказилаётгани ва унда санъаткорларимизнинг фаол иштирокига гувоҳсизлар. Таниқли, эл севган санъаткорларимиз устоз хотирасига эҳтиром кўрсатиш, қолаверса, хонанда Х. Қулабдуллаевнинг 60 йиллик тантанасини халқимиз билан биргаликда нишонлаш Қозоғистон ўзбеклари учун улкан тадбир. Албатта, бундай санъат кечаларини уюштириш осон эмас ва молиявий харажатларни талаб қилади. Ачинарлиси, ҳамюртларимиз гоҳида бепул концертлар томошасида ҳам сусткашлик қилишади. Бу – афсуски, маданиятимиз оқсаб бораётганлигидан далолат. Бундай тадбирларда уюшқоқ бўлсак фарзандларимиз ҳам биздан ўрнат олишади. Унутилаётган анъаналаримиз, миллий қўшиқчилигимиз ва санъатимиз ёрқин намоёндаларининг ижод намуналарини ардоқлаб, уни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилинишига эришсак, нур устига нур бўларди. Ёшлар санъаткор авлодларининг истеъдодини ўрганиб, унутилмас қадриятларини келажак авлодларига етказиб беришда пешқадам бўлишлари жоиз.

Иқтидорли санъаткорнинг санъат оламидаги ижодига назар ташлаш – санъат гулшани ичра эл кўмсаган тароналарни ҳадя қилиши, ўтмишдаги бетакрор ва саодатли онларни ҳозирги кунимизнинг ўзига хос, ҳаётбахш лаҳзалари билан уйғунлаштириши, сулола вақилларининг ширали овозларидаги тараннуми қалбларга муҳрланади, юракларда из қолдиради.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ.		Масъул шахслар: Туркистон, Саврон — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07. Кентов, Сўзоқ — Рўзихон МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97. Тўлебўй — Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16. Қазигурт — Хуршид ҚЎЧҚОРОВ. +7-701-447-37-42. Сайрам — Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90 Тулқибўй — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.	
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҮРӨНБОВЕВ.		Қозоғистон Республикасида тарқатилади.	
Масъул котиба — Шаҳноза УСМОНОВА.		Муассис — Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси — “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган биродаларлиги.	
		● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларини тўғрилик учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.	
		Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ234VPY00022503 гувоҳнома берилган. “ERNUR-print” МЧБ бошқарувида chop этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимутов кўчаси, 22.	
		Нашир кўрсаткичи — 65466. Адади — 12100 нусха. Буюртма: 3015	
		МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават. Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66. Электрон почта: janubiy@inbox.ru	
		Навбатчи муҳаррир: Малика ЭЛТОЕВА.	